O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 25 февраль ЧОРШАНБА
№ 16 (12.131)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 24 февраль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов пойтахтимиздаги "Туркистон" саройига ташриф буюрдилар. Бу ерда ўзбек ва туркман санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги анъаналар билан бойимоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркманистонга давлат ташрифи асносида Ашхободдаги "Руҳият" саройида ўзбек ва туркман санъат намояндаларининг катта концерти намойиш қилинган эди.

Президент Ислом Каримовнинг ўша ташрифи чоғида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган эди.

Бундай байрамона тадбирларнинг олий даражадаги ташриф кунлари ўтказилиши икки мамлакат раҳбарияти маданият ва санъат арбобларининг алоқаларини ривожлантиришга юксак эътиборидан яна бир далолатдир.

"Туркистон" саройида намойиш қилинган концерт томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Санъаткорларнинг ҳар бир чиқиши олқишлар билан қарши олинди. Бу маданий ҳамкорлик борасида эришилган яна бир ёрқин муваффақият, икки мамлакат санъаткорларига янги илҳом бахш этадиган ва уларни янада яқин ҳамкорликка ундайдиган ютуқлардандир.

**ЎзА.**

**Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили кушандаси бўлган турли зараркунанда ҳашаротларга қарши заҳарли кимёвий дорилардан кўра фойдали ҳашаротлар ёрдамидан фойдаланиш, яъни биологик усулни қўллаш ҳар жиҳатдан афзал эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Пахтакору ғаллакор, боғбону соҳибкор фермерлар буни обдон синашди. Кейинги йилларда вилоят туманларида талаб ва эҳтиёжга қараб биофабрика ҳамда хусусий биолабораториялар ташкил этилиб, фойдали ҳашарот – энтомофаглар тобора кўпроқ етиштирилаётганининг боиси шу. Ҳозир Бўка туманида битта биофабрика, еттита хусусий биолаборатория хизматидан фойдаланилмоқда. Уларда отмишга яқин мутахассис ва оддий ходим трихограмма, олтинкўз ва брокин эптомофагларини етиштириш билан банд. Жумладан, биофабрика жамоаси Абдураҳим Соймоқов, Ғаффор Азаматов, Жамбул номли, Бўка ва Паркент фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида фаолият юритаётган 200 дан зиёд фермер билан шартнома тузган.**



СУРАТДА: тракторчи Фахриддин Эшбоев пуркагичли тракторлар ёнида.

### Биоусул:

## АРЗОН, ЭКОЛОГИК ТОЗА, ИШОНЧЛИ

Бошлиқнинг гапида жон бор. Бўка вилоятнинг энг йирик ва кўп тармоқли туманларидан. Экин майдони 32,4 минг гектар. Шундан 15,3 минг гектарида пахта, 15,1 минг гектарида ғалла етиштирилади. Қолгани сабзавот, полиз, боғ, озуқа экинлари майдони. Шунча экин майдонида ҳосил зараркунандаларига қарши биологик усулда курашиш анча мураккаб жараён. Шуни ҳисобга олиб, бу йилги мавсумда 22 минг гектарга етадиган 22 килограмм трихограмма, 7 миллион дона брокин ва 6,5 миллион дона олтинкўз энтомофагларини тайёрлаш мўлжалланган.

– Ўтган йиллар тажрибасига таяниб айтиш мумкинки, фермерлар билан имзоланган шартнома ҳамда режаларни вақтида бажариш учун ҳамма имкониятлар бор, – дейди мутахассис Азимжон Шербоев. – Биофабрикада Намангандан келтирилган янги технологик линия ўрнатилган. Илгариги усулда 6 киши қилган ишни энди бир киши бемалол бажараяпти. Шунга қарамай, айрим экин майдонларига кимёвий дори сепишга ҳам тўғри келади. 5000 гектарга етадиган пунгицид дорисини тайёрлаб қўйганмиз. ОВХ аппаратлари ҳам етарли.

Биофабрикада тайёргарликнинг пухталиги бежиз эмас. Ҳар йили яхшигина даромад олинаяпти. Масалан, 2008 йилги фаолиятдан 10 миллион сўмдан зиёд соф фойда қолди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашга март ойидан киришилади. Аввал боғларда, ариқ-зовур бўйлари ва йўл ёқаларига заҳарли дори сепиб, зараркунандалар кўпаядиган ўчоқлар йўқ қилинади. Тахминан 20 мартлардан бошлаб ҳамма ерда ҳосил кушандаларига қарши кураш оммавий бошлаб юборилади. Хусусий биолабораториялар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этади. Чунки, 510 та фермер хўжаликларидан тушган буюртма вақтида бажарилиши лозим.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**Даврон АҲМАД (сурат).**

### *Вилоят фаоллари йиғилиши*

## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

**Вилоят фаоллари йиғилишида республика Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби" маърузасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалалари, шунингдек, 2008 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари атрофлича муҳокама қилинди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Таъкидланганидек, вилоятда 2008 йилда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, 2007 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 104,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 100,3, халқ истеъмоли моллари 111,3, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 106,1, пулли хизмат кўрсатиш 126,2 фоизни ташкил этди. Саноат корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш, янги қўшма корхоналар ташкил қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, ўтган йили вилоятнинг Бекобод, Ангрен ва Янгийўл шаҳарлари, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Паркент, Оққўрғон туманларида жами 16 та янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиб, уларда 339 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу йил эса қурилиш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича 45 та янги корхонани ишга тушириш режалаштирилган.

Бироқ, йиғилишда асосий эътибор ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилишга қаратилди. Хусусан, йил якунларига кўра, вилоятнинг қатор макроиқтисодий кўрсаткичлари бир мунча паст бўлди. Вилоятнинг улкан салоҳиятга эга бўлган саноат тармоғидаги оқсоқликлар сабабли ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари таъминланмади. Аниқроғи, мавжуд 89 та саноат корхонасидан 16 тасида режадагидан кам маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Йиғилишда айни пайтда фаолият кўрсатмаётган, паст қувват билан ишлаётган 37 корхона фаолиятини қайта жонлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, маҳаллийлаштириш дастурини изчил амалга ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Фаоллар йиғилиши шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган аҳолининг бандлик даражасини ошириш масалаларини ҳам атрофлича муҳокама қилди. Ўтган йили вилоятда жами 52 минг 719 та янги иш ўрни барпо этилди. Бироқ, вилоятнинг Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида янги корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан бирорта ҳам иш ўринлари ташкил этилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Энг ачинарлиси, имкониятлар бўла туриб аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали усулларидан ҳисобланган касаначиликни йўлга қўйишга ҳам етарли эътибор берилмаяпти. 2008 йилда яратилган касаначилик иш ўринлари ўрганилганда, дастурга киритилган 29 корхонадан 5 тасида ҳисоботлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги, касаначилик иш ўринларининг 60-70 фоизи амалда йўқлиги аниқланди.

Йиғилишда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси бўйича амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

### *Анжуман*

## ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини, саводхонлигини оширишга мўлжалланган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.**

Шу ўринда айтиш мумкинки, олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини аниқ-равшан билиши, улардан фойдалана олиши, уларни эъзозлаши ва ҳимоя қилишига эришишдан иборат.

Вилоят адлия бошқармасида ўтган матбуот анжуманида шу сингари фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар" мавзуидаги анжуман Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини аҳоли орасида тарғиб этиш, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кенг жамоатчиликка уларнинг туб моҳияти ва мақсадларини етказиш, бу борада оммавий ахборот воситалари билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгуси вазифаларни белгилаб олиш мақсадида республика Адлия вазирлиги ахборот хизмати ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда республика ҳамда вилоятимиздаги давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари ҳамда ҳуқуқий тарғибот ва матбуот котиблари, суд департаменти, нотариат, ФҲДЁ, шунингдек, адвокатура йўналишидаги масъул ходимлар иштирок этишди.

Асосий вазифалардан бири вилоят адлия бошқармаси ва қуйи тизим идоралари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтиришдан иборат, деб таъкидланди анжуманда. Ўтган йили шу мақсадда 3288 та ҳуқуқий-тарғибот тадбири ўтказилди. Жумладан, 2591 та давра суҳбати, семинар ҳамда илмий-амалий конференция, 115 та кўргазмали, 6 та ёзма ҳуқуқий-тарғибот ишлари амалга оширилди. Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий-тарғибот кучайтирилди.

Шунингдек, анжуманда бу борадаги ишларни жадаллаштириш, жойларда ҳуқуқий саводхонлик, тарғибот гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш масалалари юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар мақсади, мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида тўлақонли очиб бериш, таҳлилий, танқидий мақолалар таъсирчанлигини ошириш лозимлиги таъкидланди. Иштирокчилар ҳуқуқий ислоҳотларни тўғри талқин қилиш, бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларга барҳам бериш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ҳуқуқий-тарғибот ишларидаги фаол иштироки учун вилоят адлия бошқармаси республика Адлия вазирлиги томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда рангли телевизор билан тақдирланди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Она еримиз – яхлит бир тирик мавжудот. Уни ўраб турган коинотнинг биз учун ёт зарраларидан сақлаб турувчи халоскоримиз – озон қатлами сўнгги пайтларда юпқалашиб, баъзи жойларида дарча ҳосил бўлганлиги ҳақида ташвишли фикрлар бор.**

## БАРИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Яқинда университетимизда айнан шу мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. «Соғлом муҳит – инсон саломатлиги» деб номланган бу йиғилишда «Ўзбекистон экологик ҳаракати» нодавлат нотижорат ташкилоти аъзолари, дорилфунун талабалари ва ўқитувчилари иштирок этишди. Унда заминимиздаги экологик вазият анча кескинлашиб бораётгани, бунга маълум маънода ўзимиз сабабчи бўлаётганимиз, хусусан, корхоналардан чиқаётган зарарли газлар, чиқиндилар кўпайиб бораётганлиги, одамларнинг лоқайдлиги туфайли атроф-муҳит ифлосланиб, инсон саломатлигига таҳдид солаётгани ҳақида сўз борди.

Она табиатни муҳофаза қилиш, яшил оламни, ҳар бир дарахт ёки ниҳолни асраб-авайлаш, инсон саломатлигини сақлашдан иборат экан, биз ёшлар ҳам бу хайрли ишлардан четда турмаслигимиз керак. Айниқса, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида яшаш жойимиз, маҳалламиз, кўчаларимиз озодалиги, ободлиги, кўкаламзорлигига ўз ҳиссамизни қўшиш учун астойдил ҳаракат қилайлик.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

### *Таассуф*

**Ўтган чоршанба куни эди. Эрталаб – ҳали шу кунга режалаштирган ишларимизга киришмасимиздан таҳриятимизга нуроний бир отахон шаҳд билан кириб келди. Танишдик. Ҳамид ота Исаев – Пискентдан экан. Шу туманнинг Янгиобод маҳалласи аҳолиси номидан вакил бўлиб келибдилар.**

## АРОСАТДА ҚОЛГАН АРИҚ

– Пискентда бўлганмисиз? – дея муддаога ўтди отахон ва жавобимизни кутмаёқ гапида давом этди. – Шаҳримизнинг асосий қисмига оби ҳаёт улашувчи Пискент ариғи ҳақида эшитгандирсиз? Биз уни бир сўз билан анҳор деймиз. Шу ариқдан сув ичиб катта бўлганмиз, боғ-роғ, экин-тикин қилганмиз. Лекин, ҳозир шу анҳор кўз ўнгимизда қуриб бораяпти. Уч-тўрт кишининг ҳафсаласи, югур-югури билан ҳеч нарса қилолмаяпмиз. Мутасадди ташкилотлар айтарли ёрдам беришмаяпти. Айрим хонадон соҳиблари эса, анҳорни тозалаш, аввалги ҳолига қайтариш учун қайғуриш ўрнига унга турли ахлат ва чиқиндиларни, ифлос оқаваларни ташлашдан тийилмаяптилар. Ахир бунга чидаб бўлмайди-ку...

Отанинг куюнчаклигидан таъсирланиб, эртасигаёқ туманга йўл олдик ва мавжуд аҳволни ўз кўзимиз билан кўриб қайтдик. Ҳамид отанинг безовта бўлганича бор экан...

Маҳаллий аҳоли вакилларининг айтишича, бир вақтлар Пискент ариғи Майлободдан Мингтепагача бўлган ҳудудларни оби ҳаёт билан таъминлаган. Таассуфки, ҳозир бу табиий неъматдан мингтепаликлар бебаҳра қолишаяпти.

(Давоми 2-бетда).

2009 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

### *Хушхабар ва мулоҳаза*

## КИНОНИНГ МУХЛИСИ ҚИШЛОҚДА ҲАМ КЎП

**Миллий маданиятни ривожлантиришда аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва савиясини юксалтиришда кино санъати алоҳида ўрин тутади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида қайд этилганидек, кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини инобатга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда.**





СУРАТЛАРДА: Чирчиқ шаҳридаги Алишер Навоий номли кинотеатрнинг очилиш маросимидан лавҳалар.
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Бироқ, сўнгги йилларда телевидениенинг жадал ривожланиши, видео ёхуд замонавий тил билан айтганда "DVD"ларнинг кириб келиши кинотеатрларнинг бўшаб қолишига сабаб бўлаяпти, деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Аслида ҳам шундайми?

Яхши кинофильм ёки спектакль ҳамиша томошабинни ўзига жалб этиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Зеро, кинотеатр оммавий маданий ҳордиқ чиқариш, маънавий-ахлоқий тарбия маскани. Унинг ўрнини бошқа санъат тури асло боса олмайди.

Чирчиқ шаҳридаги Алишер Навоий номли 550 ўринли кинотеатр бир пайтлар томошабинлар билан гавжум бўлган. Афсус, сўнгги пайтларда эътиборсизлик туфайли ташландиқ ҳолатга тушиб қолган эди. 2006 йили кинотеатр тадбиркор Равшан Тўлаганов томонидан хусусийлаштирилиб, бино бутунлай қайтадан таъмирланди. Замон талабларига жавоб бера оладиган ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилди. Энг сўнгги русумдаги киноускуналар ўрнатилди, залдаги ўриндиқлар янгиланди. Яна қўшимча бинонинг ўзида 300 ўринли ресторан ҳам бунёд этилди. Хуллас, бир сўз билан айтганда дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган маданий масканга айлантирилди. Куни кеча кинотеатрнинг тантанали очилиш маросимида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди.

– Бу кинотеатр нафақат вилоятимизда балки республикадаги етакчи санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади, – деди тантанали маросимда сўзга чиққан "Ўзбеккино" миллий агентлиги вилоят бўлими раҳбари Асқар Эгамбердиев. – Бугун унинг янги қиёфасини кўриб, кўз қувонади. Қани энди туманлардаги бошқа кинотеатрларга ҳам шундай эътибор қаратилса, нур устига аъло нур бўларди.

(Давоми 2-бетда).

*Таассуф*

# АРОСАТДА ҚОЛГАН АРИҚ

Сабаби аён: айрим хонадоҳ соҳибларининг бепарво ва лоқайдлиги, боз устига инсофу диёнатни тамоман унутиб бораётганлиги анҳорнинг бундай хароб аҳволга тушиб қолишига олиб келди. Бугун сув ҳавзасининг 1 километридан зиёд қисми турли маиший чиқиндилар, ахлат уюмлари билан тўлиб қолган. Тўғри, унинг Майлобод ҳудудидан ўтувчи қисмининг ўзани тоза, қирғоқлари текис бетонлаб, тартибга келтирилган. Анҳорнинг бу қисмида ҳеч қандай муаммо йўқ. Бироқ, "Теракли ота" қабристони ёнида, Бекобод ва Янгиобод маҳаллалари айрилган ҳудуд эса бирбиридан кескин фарқ қилади. Айниқса, Бўрижар томонга кираверишдаги манзара кишини ажаблантиради. Бир вақтлар сув ўпириб юборган чуқур жарлик токзорга айлантирилган бўлиб, боғ шу анҳордан сув ичиб кўкарган. Ҳозир унинг атрофини "чиқинди деворлар" қуршаб олган. Бу ерда озиқ-овқат қолдиқлари ҳам, консерва ва елим идишлар ҳам, чорва ахлатлари ҳам, шох-шаббалар ҳам, борингки, чиқиндининг ҳамма туридан бор. Ҳақли савол туғилади: неча йиллардан бери чор-атрофни яшнатиб, борлиққа тириклик улашиб турган анҳор тақдирига бундай муносабатда бўлиш инсонийликданми?

– Анҳорнинг аянчли аҳволга тушиб қолишига

(Давоми. Боши 1-бетда).

аввало, ўзимиз сабабчимиз, – дейди Бекобод маҳалласи оқсоқоли Шораҳмат Шоматов. – Ҳудудимизда 536 хонадон бўлса, 300 тасининг ҳовли-жойи анҳор ёқасидан солинган. Ариқ тақдирига шулар масъул бўлиши керак эди. Чунки у аввало ўзимизга керак. Эртага экин-тикин кўкариши бор, ёзнинг иссиғи бор, ўшанда жабр кўрадиган ўзимиз. Лекин кўп бора тушунтиришимизга қарамай, аксарият одамлар ҳамон бепарво.

Кўп ташкилотларга мурожаат қилдик. Жўяли бир жавоб ҳам, ёрдам ҳам йўқ. Ўзимиз жон куйдирмагач, улардан хафа бўлиш ҳам ортиқча. Тўғри, Оҳангарон-Далварзин ирригация тизими бошқармаси мутасаддилари ёрдам қўлини чўзишди. Ўн куннинг нари-берисида улар ҳамда ҳудудимиздаги ҳафсалали кишилар кўмаги билан анҳорнинг 500 метр атрофидаги қисми тозаланди. Лекин, анҳорни кавлаш, ахлатларни чеккароқ ҳудудларга ташиш масаласида техника етишмаяпти. Муҳими, шу ишга киришилди, энди у ўлда-жўлда қолмаса, ҳамжамиз баҳамжиҳатликда иш кўриб, анҳорни қутқариб қолсак юзимиз ёруғ бўларди...

– Анҳорнинг бу ҳолга тушишидан, айниқса биз, Мингтепа аҳли кўп жабр кўраяпмиз, – дейди шу маҳаллада яшовчи Нормурод Аҳмедов. – Ҳовлимиз маҳалланинг охирида бўлгани учун, баҳор-ёз ойларида умуман сувсиз қоламиз. Ўтган йили томорқадаги экинларимиз қуриб қолди. Ахир, ўзбек ҳовлисини, экин-тикинни оқар сувсиз яшнатиб бўлмайди-ку.

Шу ўринда Пискент ариғининг бугунги аянчли аҳволи хусусида туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази тақдим этган маълумотдан айрим кўчирмаларни келтирсак, вазиятнинг чиндан ҳам мураккаблиги ойдинлашади.

"Ҳозирги кунда анҳорнинг катта қисми 1 метрга яқин лойқа билан тўлиб қолган. Анҳорга ҳар хил чиқиндилар ташлаб келинган. Энг ачинарлиси шуки, Ҳакимполвон Бегматов номли ҳамда Дилафкор кўчаларида яшовчи Султон Турсунбоев, Мўмин Иномов, Умар Азаматов, Сурат Зиёвуддинов, Раҳим Зиёвуддинов, Рустам Омилов, Ҳаким Раҳмонов ҳамда ёрдамчи махсус интернатда ишловчи Аъзам (фамилияси ёзилмаган) каби хонадон соҳиблари анҳорга 50-100 диаметргача бўлган қувурларда маиший оқаваларини чиқариб, сувни ифлослантиришмоқда. Бу ҳеч қандай санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайди... Пискент шаҳри аҳолисининг учдан бир қисми хонадонига ифлосланган сув кириб бораяпти. Бу сувдан аҳоли кир ювиш, мол-ҳолини суғоришда фойдаланади. Анҳорнинг хонадонлардан ўтган қисмида ёз пайтлари қаровсиз қолган болалар чўмилиши, ҳатто ичиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Натижада, 2008 йилнинг куз ойларида вирусли гепатит ва ўткир ичак касаллигига учраган беморлар рўйхатга олиниб, зудлик билан юқумли касалликлар шифохонасига юборилган... Ариқ ичида ҳар хил зарарли ўт-ўланлар, гиёҳлар униб чиқиб, касаллик қўзғатувчи чивинлар кўпайишига шароит яратмоқда. Аҳолининг чивинлардан безовта бўлиши билан боғлиқ шикоятлар кўп...».

Хуллас, аҳвол анча жиддий. Биз туман ҳокимлиги ва барча тегишли мутасадди ташкилотлар бор куч ва имкониятларни сафарбар этиб, туманда ободонлаштириш ишларини жонлантириш, хусусан, Пискент ариғини ҳам рисоладагидек тартибга келтириш чораларини кўрадилар, деб ишонамиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ,**
**(суратлар)**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

***Таҳририятдан: мазкур мақола нашрга тайёрланаётганда, Пискент тумани аҳолиси вакилларидан қўнғироқ бўлиб, "мухбирлар келиб-кетгач, иш анча жонланиб қолди. Ҳар ҳолда экскаватор ишлаб турибди, юк ташувчи мосламалар ахлатларни пешма-пеш ташияпти. Бироқ, чиқиндилар ортилган машина 4-5 чақирим узоқликка бориб-қайтгунча, экскаватор ишида анча узилишлар бўлаяпти. Қўшимча техникалар жалб этилиб, иш янада жонлантирилса ёки ахлатларни тўкиш учун яқинроқ ҳудуддан жой кўрсатилса, иш бундан ҳам жадаллашарди", деган фикрларни билдиришди. Шу сабабли, бу мавзуга узил-кесил нуқта қўймаймиз.***





*Хушхабар ва мулоҳаза*

# КИНОНИНГ МУХЛИСИ ҚИШЛОҚДА ҲАМ КЎП





Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"-ги Фармони ижроси юзасидан миллий кинофильмларни Тошкент вилояти ҳудудида кенг тарғиб қилиш ва намойиш этиш, кино-видео маҳсулотлари ижараси тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар хусусида тўхталиб ўтилди. Тақдимот маросими сўнгида Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Ёдгор Саъдиев томонидан суратга олинган "Иблис девори" фильмининг намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, кинотеатрнинг янги қиёфада қайта иш бошлаши чирчиқликлар учун чинакам хушхабар бўлди. Унинг очилиш маросимидан қониқиш ҳосил қилиб қайтар эканмиз, беихтиёр "Мана, қилса бўларкан-ку", деган хаёлга бордик. Негаки, аҳвол ҳамма жойда ҳам бирдек эмас-да...

Хусусан, туманлардаги айрим кинотеатрлар ҳувиллаб, қаровсиз қолганлиги айни ҳақиқат. Яхши ниятлар билан хусусийлаштирилган кинотеатрлар тўйхоналарга ёки дискоклубларга айлантирилаётгани жамоатчиликни ташвишга солаётир. Вилоятимизда 20 дан ортиқ кинотеатр давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Айримлари қаҳвахона, тунги барлар, интернет клубларига айлантирилганига нима дейсиз?! Улар орасида ҳануз ташландиқ ҳолда ётганлари ҳам бор.

Чиноз туманидаги "Ватан", "Олмазор", "Пахта", Тошкент туманидаги "Тинчлик" кинотеатрларининг тақдири наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмаётган бўлса?.. Юқоричирчиқ туманидаги "Янгибозор" маданият масканининг бутунлай бузиб ташланганлиги кишини ҳайратга солади. Зангиота туманидаги "Орзу" кинотеатри эса, тўй маросимларини ўтказишга хизмат қилаётир...

Бу оммавий дам олиш масканларининг аянчли ҳолатга тушиб қолишининг боиси нима? Биз саволга Бўстонлиқ туманидаги "Бўстон" кинотеатри мисолида жавоб излашга ҳаракат қилдик.

– Туман ҳокимлиги ёнгинасидаги бу маскан бир пайтлар одамлар билан гавжум бўларди, – дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Дилобар Раимжонова. – 300 ўринли сарой 2003 йили тадбиркор Шодмон Мажидов томонидан хусусийлаштирилди-ю

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳвол ўзгарди. Фильмлар намойиши камайиб кетди. Шодмон акадан сабабини суриштирсак, у киши "кино томошасига одам кам кираяпти, харажатларни қопламаяпти", деган эътирозларни билдирди. Кейинчалик бу ерда кино намойиши ўрнига "дискотека", "видеотека" клублари очилди. Ёшлар маънавиятига салбий таъсири инобатга олиниб, боз устига айрим тартибсизликлар келиб чиққач, хайриятки бу клублар ёпилди. Кинотеатр хусусий бўлганлиги учун унинг фаолиятига бошқа аралаша олмадик. Бугун "Бўстон" кинотеатрининг ўз эгаси бор, аммо у ҳануз қаровсиз аҳволда.

Нураб ётган деворлардаги турли ёзувлар, атрофда сочилиб ётган ойна синиқлари, деразасиз эшиклар бинонинг ҳақиқатдан ҳам қаровсиз қолганлигидан далолат. Шундоққина ҳокимлик биқинидаги бу манзара ҳеч кимни ташвишлантирмаётгани бизни ҳайрон қолдирди. Энг ачинарлиси "Бўстон" кинотеатрининг бугунги ҳолати ҳақида туман мутасаддилари ломмим дейишолмади...

Суриштирсак, тадбиркор Шодмон Мажидов Чирчиқ шаҳрида яшар экан. Мухбир келганини эшитгач, ҳаш-паш дегунча етиб келди. У киши билан суҳбатимиз кинотеатр биноси олдида чала ярим қолган қурилишдан бошланди.

– Бу ерни кино кўришга келган томошабинлар учун шинамгина дам оладиган маскан қилмоқчи эдим, – дейди у. – Лекин кўп тўсиқларга учрадим. Рухсат беришмади. Шунча меҳнат, маблағ бекор кетди. Кинотеатрга келсак, янги видеопроектор сотиб олдим. Бинонинг ички қисмларини пардоздадим, қўлимдан келганча таъмирладим. Икки йилча кинофильмлар қўйдик. Лекин тушум яхши бўлмади. Унинг устига солиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан текширувчилар келавериб, тинкамизни қуритди. Қурилиш, таъмирлашга кетган харажатларни қоплаш учун бинода видеотека ҳамда ёшлар учун дискотека очишга мажбур бўлдик. Бу ишимиз ҳам маъқул келмади. Натижада ёпиб қўйилди. Тўйхона қилмоқчи эдик, бунга ҳам рухсат беришмади. Ўтган йиллар давомида шу бинога салкам 6 миллион сўм маблағ сарфланди. Бирор сўм фойда кўрмадик.

Шодмон Мажидовдан бино ичкарисига киришни сўраган эдик, у киши эшик калитини олиш ёдидан кўтарилганини айтди. Хуллас, кинотеатрнинг ичидаги вазият, аҳвол биз учун мавҳумлигича қолди.

Тадбиркор билан бўлган суҳбатдан сўнг шундай фикрга келдик. Агар у киши кино соҳасида озгинагина тажрибага эга бўлганида эди, бундай вазиятга тушмасди. Ишнинг кўзини билмаслик, юзаки ёндашув мана шундай оқибатларга олиб келади.

Яна бир гап. Маълумки, Бўстонлиқ – оромгоҳлар маскани. Бу ерда ёз паллалари ҳаёт қайнайди. Шодмон ака ёзги оромгоҳларда "Бўстон"нинг кўчма киносеансларини ташкил этганида эди, вазият бошқача бўлармиди?

Кейинги йилларда миллий киносанъатимизда туб бурилишлар юз бераяпти. Ўзбек кинокартиналари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётган бир пайтда жойлардаги бундай манзаралар кишини ўйлантиради. Бу хусусда туманлардаги мутасаддилар ҳам бироз фикр юритишса, ёмон бўлмасди...

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# АМАЛИЙ СЕМИНАР

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП вилоят кенгаши сиёсий таълим маркази томонидан давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ва партия фаоллари учун малака ва кўникмаларни ошириш мақсадида доимий фаолият юритувчи навбатдаги амалий семинар ўтказилди.**

Унда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Амалий семинарда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, ЎзЛиДеПнинг қуйи партия ташкилотларида бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини сифатли ташкил этиш режалари ишлаб чиқилди.

# «ИЛ-114-100» – ПАРВОЗДА

**"O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси парки ўзимизда ишлаб чиқарилган янги русумдаги яна битта "Ил-114-100" самолёти билан тўлдирилди.**

Ҳаво кемасини тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Парвозларни назорат қилиш давлат инспекцияси, "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси, "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти вакиллари иштирок этди.

"O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси бош директори В. Тян Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда фуқаро авиацияси, шу жумладан авиация саноатини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан авиасозлар ва авиаташувчилар ишлари ҳамда эҳтиёжларига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли мазкур соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ҳамкорликда рўёбга чиқарилган мазкур муваффақиятли лойиҳа ҳам бунинг далилидир.

Авиакомпаниямиз паркига учинчи бўлиб қўшилган ушбу янги авиалайнер республикамизнинг ички йўналишлари ва МДҲ мамлакатларига мунтазам парвозларни амалга оширади. Самолёт замонавий авиация ташиш бозорининг барча талаблари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган бўлиб, қулай учиш-техник ва тежамкорлик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Янги лайнернинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, у бажарадиган вазифалар кенгайтирилди, эксплуатация харажатлари камайтирилди, техник хусусиятлари яхшиланди. Самолёт автоматик қўниш тизими билан жиҳозланган. 52 нафар йўловчига мўлжалланган ушбу ҳаво кемаси 1250 километр узоқликка парвоз қила олади, тезлиги соатига 500 километрни ташкил этади. Самолёт авиадвигателларининг ёқилғи сарфини тежаш самарадорлиги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаво кемалари билан бемалол рақобатлаша олади.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Қибрай туман давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган "Рустам-замин қурилиш" масъулияти чекланган жамияти ва "Ҳомий-Бино Файз" шўъба корхоналарининг Тошкент вилояти хўжалик судининг 2009 йил 11 февралдаги 11-0906/979 (19) ва 11-0906/980-(19)-сонли ҳал қилув қарорига кўра банкрот деб эътироф этилиши муносабати билан даъволар 1 ой давомида Қибрай туман давлат солиқ инспекцияси биносининг 110-хонасида қабул қилинади.**

*Ойлик давом этмоқда*

# ЁШЛАР – ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

**Дунё аҳлини ташвишга солаётган гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида "Ёшлар орасида наркотик моддалар тарқалишига қарши кураш ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу иллат оқибатлари ҳақидаги суҳбатлар чоғида гиёҳвандлик балосига йўлиққанларнинг қисмати тўғрисидаги видеофильмлар намойиш қилинмоқда.**

Ички ишлар идоралари ходимлари маҳалла фаоллари иштирокида жамоат жойларида ташвиқот ишлари олиб боришаётир. Наркотик моддалар билан ноқонуний шуғулланиш, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш ва ҳосилини сақлаш, сотиш оғир жиноят эканлиги тушунтирилмоқда.

Ўртачирчиқ тумани Қишлоқ хўжалиги, Олмалиқ маиший хизмат кўрсатиш, тиббиёт, саноат, Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида уюштирилган тадбирлар, айниқса, самарали ўтди.

– Ҳеч бир инсон онадан гиёҳванд бўлиб туғилмайди, – дейди Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодиёт коллежи талабаси Нодира Йўлдошева. – Уларни келтириб чиқарадиган бир қатор сабаблар мавжуд. Баъзилар тўқликка шўхлик қилса, бошқаси ўзи билмаган ҳолда шу йўлга кириб қолади. Бунинг олдини олишда тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти катта.

– Коллеж, академик лицей ва мактабларда нарколог шифокорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказмоқдамиз, – дейди Чирчиқ шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари Миродил Мирсолихов. – Фақат шунчаки маърузалар билан чегараланмай, бу иллатнинг жирканч оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлардан ҳам фойдаланмоқдамиз. Қувонарлиси шундаки, талабаларнинг ўзлари ҳам турли саҳна кўринишлари билан чиқишлар қилиб, тенгдошларига тарбиявий таъсир ўтказмоқдалар.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.**


# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2009 йил 26 март соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.**



**1. Битта пакет билан:**
ВХ-491 «Унқўрғон қишлоғи – Машинасозлар АШБ»
ВХ-494 «Хўжақўрғон қишлоғи – Белоножко АШБ»
ВХ-496 «Чингельди қишлоғи – Машинасозлар АШБ»
ВХ-497 «Байтқўрғон қишлоғи – Қўйлиқ АШБ»

**2. Битта пакет билан:**
ВХ-267 «Бекобод АББ – Навбаҳор ф/у»
ВХ-268 «Бекобод АББ – Бекобод ф/у»
ВХ-270 «Зафар АЧСБ – Тошкент АББ»
ВХ-256 «Зафар АЧСБ – Бекобод АББ»

**3. Битта пакет билан:**
ВХ-257 «Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (Деҳқонобод орқали)»
ВХ-263 «Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (232-пикет орқали)»
ВХ-264 «Бекобод АББ-Ойбек ф/у-Фарҳод ф/у»
4. ВХ-580 «Ўзбекистон ф/у – С. Раҳимов м.б. АШБ»
5. ВХ-461 й.т. «Туркистон маҳалласи – Назарбек маҳалласи»
6. ВХ-461а й.т. «Туркистон маҳалласи – Ибн Сино АШБ»
7. ВХ-478 й.т. «Кенсой қишлоғи – 17-шаҳар шифохонаси»
8. ВХ-237 й.т. «Балиқчи маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ»
9. ВХ-471 й.т. «Бобур маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ»

Очиқ тендерда муклчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2008 йил 3 мартдаги 43-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига «Ўзсаноатқурилиш Банк» (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)инининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлиқ иш хақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2009 йил 21 мартгача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2009 йил 25 март соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Лисунова кўчаси, 4/68-уй, «ЎзбекИнвест» миллий экспорт-импорт суғурта компанияси биносининг 3-қават, 304-хонасида. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

# ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛ БЎЛСИН!

**Турмуш ташвишларидан толиқиб, руҳиятингизда ҳорғинлик сезган пайтларингиз турфа хил балиқларнинг сувда роҳатланиб ҳаракатланишини ҳеч кузатганмисиз?! Агар кузатмаган бўлсангиз бир тажриба қилиб кўринг, руҳан енгил тортасиз, кайфиятингиз кўтарилади.**

Бундан ташқари инсонлар севиб истеъмол қиладиган таомлардан бири ҳам шубҳасиз балиқ маҳсулотларидир. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир одам бир йилда 12 килограмм балиқ гўштини истеъмол қилса иммунитети ошиб, фикрлаш қобилияти янада теранлашади, кўзлари равшан тортади. Халқимиз балиқчиликни етти хазинанинг бири сифатида эътироф этишида ҳам катта маъно бор.

Балиқларнинг 7 тури "Қизил китоб" саҳифаларидан жой олган. Демакки, уларни урчиш даврида ов қилиш умуман тақиқланган. Вилоят ҳудудида балиқларнинг урчиш даври апрель ва май ойларига тўғри келишини кўпчилик билмаса керак.

Балиқчиликни ривожлантириш борасида қўмита инспекторлари олиб бораётган саъй-ҳаракатларга қарамай, жойларда қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибди. Уларнинг олдини олишда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари" ҳуқуқий дастуриламал вазифасини ўтаб келмоқда.

Вилоят ҳокимининг 2009 йил 19 январдаги балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган фармойишида сунъий балиқчиликни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпатиришга доир урчитиш вазифалари белгилаб берилганлиги айни муддао бўлди. Ҳозир вилоятда 50 га яқин балиқчилик хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Махсус дастур ишлаб чиқилиб, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари учун аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳомийлигида балиқчиликка ихтисослашган иккита хўжалик ташкил этиш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги "Абдужамил" балиқ хўжалигига оталиқ ёрдами кўрсатилиб, 4 гектар майдондаги сув ҳавзасига балиқ чавоқлари етказиб берилди ва уларни парваришлаш учун зарур бўлган ҳудуднинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги "Оқсоқота сой" ҳудудида бўш ётган 4,5 гектар майдондаги сунъий ҳавзаларда балиқчиликни ривожлантириш учун умумий қиймати 30 миллион сўм бўлган лойиҳа ишлаб чиқилди.

Балиқчиликни ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларни барча мутасадди ташкилотлар биргалашиб амалга оширсаккина кўзланган мақсадга эришамиз. Ана шунда халқимизнинг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, аҳолининг соғлиги учун зарур шифобахш парҳез таомларни кўпайтириш имкони юзага келади.

**Холтўра СУВОНОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.**









Чимён ўзига чорламоқда.

# ШИФОБАХШ НЕЪМАТНИ БОРИДА АСРАНГ

**Инсон саломатлиги учун дарахтларнинг аҳамияти беқиёслигини яхши биламиз. Улар атмосфера ҳавосига кўтарилаётган чанг-ғуборларни ютиб, нафас олишимиз учун тоза кислород етказиб берувчи "биофабрика"дир.**

Техника тараққиёти ва автотранспорт воситалари кўпайган ҳозирги вақтда дарахт экиб, ўрмонзорлар барпо этиш нафақат табиат муҳофазаси, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади. Бу нафақат инсон саломатлиги, қолаверса, юртимизнинг ободончилигини таъминловчи омилдир.

2007 йилдан буён аҳоли тураржойларида, маҳалла ва гузарларда каштан ва япон сафораси экишга жиддий киришилди. Бу тадбирни сифатли бажариш, экиладиган ҳар бир дарахтни парваришлаш, кўз қорачиғидек асраш аввало ўзимиз, қолаверса, келгуси авлод манфаати йўлида муҳим қадамдир.

Энди бевосита вилоятимиздаги ўрмонлар хусусида тўхталсак. Ҳозир вилоятимиз ҳудудида жами 4 та ўрмон хўжалиги мавжуд. Булар Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Бекобод ва Тошкент ҳамда Угом-Чотқол давлат табиат миллий боғи тасарруфидаги Бурчмулла ва Оҳангарон ўрмон хўжаликларидир. Улар қамраб олган ер майдони 580 минг гектардан зиёдроқ. Шу жумладан, ўрмон билан қопланган ерлар 90 минг гектардан иборат. Бошқача айтганда, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида яшаётган аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўкаламзор майдон 180 куб метр. Бу белгиланган меъёрий кўрсаткичдан 3 баробар ортиқ демакдир. Шундай бўлишига қарамай, вилоятимизда ўрмончиликни ривожлантиришга йилдан йилга эътибор кучайиб бормоқда. Ўрмончилар кучи билан ҳар йили 400-500 гектар ерда янги ўрмонзорлар барпо этилаётгани қувонарлидир.

Биргина Угом-Чотқол ўрмон хўжалигининг ер майдони 352 минг 409 гектар. Шундан ўрмон билан қопланган майдон 28 минг 442 гектардан иборат. Бу ерда 37 гектарли ниҳолхона, яъни кўчат етиштирувчи бўлим мавжуд. Ниҳолхонада ҳар йили 2-3 миллион дона кўчат етиштирилиб, ўрмон хўжалигидан ташқари бошқа ташкилот ва корхоналарга, аҳоли эҳтиёжи учун ҳам арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Ўрмон хўжалигида ўрмонзорлар барпо этишдан ташқари экологик тоза ва соғлиқ учун фойдали бўлган 40 турдан ортиқ шифобахш гиёҳлар етиштирилади. Наъматак, кийик ўти, сув қалампири, бодом, ёнғоқ, олча, чаканда, зирк, жийда, дўлана каби шифобахш неъматлар берувчи дарахтлар экишга айниқса, жиддий эътибор берилади. Бу дармондорилар табиий соф, арзон ва фойдаланиш учун қулайдир.

Шундай экан, ўрмонзорларимиз ва улар ҳудудида етиштирилаётган шифобахш гиёҳлар ва биологик мувозанатни сақлаш, ёввойи ва ов ҳайвонларини асраш фақатгина ўрмончиларнинг вазифаси бўлиб қолмай, табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари, кенг жамоатчилик ва табиатни севувчи барча фуқароларимизнинг доимий бурчи бўлиб қолиши лозим. Ўйлаймизки, мазкур йилда, айниқса, қишлоқ жойларида ўрмонзорларни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилади.

**Абдумуталиб АБДУХОЛИҚОВ,**
**вилоят қўмитасининг ер қаъри ва чиқиндиларни жойлаштириш махсус инспекцияси бошлиғи.**

# РЕЖА МУДДАТИ ЁЗГАЧА

**Бўстонлиқ тумани тўғрисида гап кетганда аввало Оқтош, Чимён, Хумсон қишлоқлари кўз олдимизга келади. Бу жойларнинг соф ҳавоси, мусаффо сувлари, ранг-баранг дарахтзору ўсимликлари кимларни лол қолдирмаган дейсиз?!**

Бундай жойларни янада обод қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш кечиктириб бўлмас вазифадир. Шу ўринда ўтган йили ҳудудда бошланган хайрли ҳаракат тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Кўп йиллардан буён туманимиздаги "Электрокимёсаноат" корхонаси тасарруфидаги болалар соғломлаштириш ва дам олиш маскани, "Оқтош", ИИВ ва "Ўзтелерадиокомпанияси"га қарашли оромгоҳлардан чиқаётган ифлос оқава сувлар Оқтош сойига тушиб, сувнинг ифлосланишига сабаб бўлаётган эди. Бу масканлар раҳбарияти ташаббуси ва туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан экологик муаммони бартараф этишга киришилди. Чиқарилаётган оқава сувларни марказлашган ҳолда "Ғазалкент-Чирчиқ" туманлараро канализация қувурига улаш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

2008 йилда 1,6 километр узунликда канализация қувурлари ёткизилган бўлса, бу йил ёзги дам олиш мавсумигача ишни поёнига етказиш режалаштирилган. Бу билан кунига 500 куб метр оқава сувларининг тозаланмасдан оқизилишига барҳам берилади.

Яна бир хайрли ҳаракат. Бўстонлиқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш давлат корхонаси асфальт-бетон заводининг туман ҳудудидан кўчирилиши натижасида Чорбоғ, Хўжакент қўрғонларида ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланиш даражаси камайди.

Албатта, қилинган ишлар, эришилган ютуқлар яхши. Аммо табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш ҳоллари ҳам мавжудлиги кишини ранжитади.

2008 йил давомида 78 шахс қонунбузарлик содир этганлиги учун 2 миллион 441 минг сўм миқдорида жаримага тортилди. Улардан 27 нафари мансабдор шахс эканлигига нима дейсиз?! Уларнинг вазифалари, қонунчилик талабларига қатъиян риоя қилиш эмасми?! Ёки улар инсон саломатлиги атроф-муҳитга бевосита боғлиқлигидан бехабармилар?! Бу мансабдор шахсларга 1 миллион 250 минг сўм жарима солиниб, ундириб олинди.

**Дилрабо АВДЕЕВА,**
**Бўстонлиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат инспектори.**

# Табиат ва инсон

*Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси*

# ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГИЗ ҚОР ЁНАДИ

**Кейинги пайтларда сув танқислиги масаласи кўп тилга олиняпти. Қатор мамлакатлар аҳолиси тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётганини ҳисобга олсак, муаммонинг қанчалик долзарб эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.**



Паркент аҳолиси табиий булоқлар, сойлар, ер ости ва канал сувларидан фойдаланади. Шу боис кўплаб муаммоларга дуч келинмоқда. Энг катта муаммо – аҳоли сой чеккаларига чиқиндилар ташлаб, оқаваларни оқизиши оқибатида сув ифлосланиб бормоқда. Албатта, бундай ножўя ишларни содир этаётган кимсалар аниқланиб, чоралар кўрилмоқда, аммо бу етарли бўлмаяпти.

Илгарилари одамлар сой, ариқ ва зовурлардаги сувлардан бемалол фойдаланардилар. Қишлоқларда сувларни сақлаш учун махсус ҳовузлар қазиб, уларнинг атрофлари ўраларди. Ҳовуз четларига сувни тозаловчи хусусиятга эга ўтлар экиларди, ўз ўрнида одамлар ҳовуз сувларини покиза сақлашга ҳаракат қилишарди. Ҳар куни навбатма-навбат ҳовузнинг тозалигига қараб туришарди. Шунданми, ўша пайтларда сувнинг қадрига кўпроқ етилар эди, сой чеккаларига чиқинди ташланмасди.

Кексаларимиз, ота-оналаримиз, ўқитувчиларимиз сувни ифлос қилиш одамийликка тўғри келмайди, деб уқтиришар эди. Ҳозир эса бундай номақбул ишларни катталарнинг ўзлари қилишмоқда. Саноқли кишиларгина бу масала билан шуғулланаётгани ҳеч қандай натижа бермаяпти. Бунинг учун биринчи навбатда муаммонинг моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш, тушунтириш ишларини кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Хуллас, "Қалови топилса қор ҳам ёнади" деганларидек, ҳар қандай муаммони бартараф этса бўлади. Шундай экан, табиат инъом этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланайлик. Сувлар ифлосланишининг олдини олиб, авлодларга асл ҳолича қолдирайлик.

**Нафиса МИРЖАМОЛОВА,**
**Паркент тумани табиатни муҳофаза килиш қўмитаси инспектори.**

# ТАБИИЙ МУВОЗАНАТ БУЗИЛСА...

**Табиат ва унинг қонунлари шундай мукаммал яратилганки, ундаги барча жонли, жонсиз мавжудотлар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, биз учун зарарли ёки зарарсиз, фойдали ёки фойдасиз бўлишидан қатъи назар, табиий мувозанатни бирдек сақлаб туради.**

Айтайлик, йиртқич ҳайвонлар ва уларнинг ўлжалари минг йиллардан бери ёнма-ён яшаб келади. Йиртқич ўлжасини фақат қорни очгандагина овлайди. Еганда ҳам касалмандларини ейди, чунки улар йиртқич чангалига осон тушади. Шу орқали тўда касал шеригидан халос бўлади ва касаллик тарқаб кетишининг олди олинади, яъни йиртқич "санитар" вазифасини ўтайди.

Яна шуниси ҳам борки, йиртқичнинг қорни тўқ бўлса, олдида ўтлаб юрган ўлжага қайрилиб ҳам қарамайди. Улар ҳам буни яхши биладилар, шунинг учун бемалол юраверадилар. Агар йиртқич ҳайвонлар фақат қорни очганда битта, иккита ўлжани тутиб еса, айрим кўзи оч кимсалар ўз манфаати учун ҳамма ҳайвонларни қириб юборишга тайёр.

Бир вақтлар бўри, тулки, калхат каби йиртқич ҳайвонларни қириб ташлашга киришилган эди. Натижада кемирувчилар – сичқон, каламуш, юмронқозиқ ва бошқалар шу даражада кўпайиб кетдики, улар миллионлаб тонна ғаллани еб ташладилар. Уларга қарши курашиш мақсадида заҳарли кимёвий воситалар ишлаб чиқарила бошланди. Натижада зараркунанда ҳашаротлар билан бирга фойдали жониворлар ҳам нобуд бўлди. Юз минглаб қушлар, қуёнлар ва бошқа ҳайвонлар озиқ топа олмай қирилиб кета бошлади.

Инсон шу кунгача ер юзидаги 240 турдан ортиқ ёввойи ҳайвонларни қириб юборди. Келажакда улар батамом йўқ бўлиб кетмаслиги учун борган сайин камайиб кетаётган бошқа турдаги ҳайвон, қуш ва ўсимликлар "Қизил китоб"га киритилди, яъни уларни тутиш, овлаш қонун йўли билан ман қилинди.

Кўриниб турибдики, агар табиий мувозанат бузилса, бундан энг аввало, инсониятнинг ўзи зарар кўради.

Аслида табиатни муҳофаза қилишдан, атроф-муҳитни тоза сақлашдан, ҳайвонот ва набототни йўқолиб кетмаслигидан инсоннинг ўзи манфаатдор. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик тарбияни кучайтириш, табиатга меҳр-муҳаббатли бўлишни, ҳаром ва ҳалолнинг фарқига боришни тушунтириш лозим. Бу эса, ўз навбатида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради. Қолаверса, маънавий баркамолликка, она-табиатни асрашга, уни бундан ҳам гўзаллаштиришга олиб келади.

**Шариф ОТАБОЕВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

## Нуқтаи назар

# ЧИҚИНДИ БОР, ҚАЕРГА ТАШЛАЙ?

**2 миллион 589 минг тонна... Бу 2008 йилда вилоятимиз ҳудудида тўпланган маиший чиқинди миқдори. Мазкур рақам 2007 йилда 607 минг, 2006 йилда 140 минг, 2004 йилда эса атиги 70 минг тонна бўлган. Кўриниб турибдики, чиқинди муаммоси анча жиддий. Келтирилган рақамлар ҳар биримизни нафақат ўйлантириши, балки, қаттиқ ташвишлантириши керак. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш инспекцияси етакчи мутахассиси Одил Мамазияев билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.**



**– Шаҳар ва туманларда махсус чиқиндихоналар ташкил этилганига қарамай, рухсат этилмаган жойларда чиқинди уюмларини кўриб дилинг хира тортади. Бугунги кунда чиқиндихоналарга эҳтиёж қолмаганми ёки бу иш тўғри ташкил этилмаяптими?**

– Биласизми, бугун чиқиндилардан кўра чиқиндихоналар муаммоси қаттиқ ташвишга солаяпти. Бошида чиқиндихоналар ташкил этилганида, вилоятдаги чиқиндилар камайишига, ўзбошимчалик билан дуч келган жойга ташлаб кетиш ҳолатлари барҳам топишига умид бор эди. Лекин, афсуски, айрим чиқиндихоналар аҳволини кўриб, улар дард устига чипқон бўлаётганлигига ишонч ҳосил қиласан, киши. Энг ачинарлиси, чиқиндихоналарни ташкил этаётганда улар марказдами ёки аҳоли яшаш ҳудудларидан узоқда эмасми, дея ўйлаб кўрилмаган. Масалан, Янгийўл, Бекобод, Оққўрғон ва Чиноз туманларидаги чиқиндихоналар аҳоли манзилидан анча олисда. Демак, бу туманларда дуч келган жойда чиқинди уюмларининг бўлмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ким ҳам 15-20 километр юриб бир челак чиқиндини махсус жойга ташлаб келади? Қуйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманларида чиқиндихоналарнинг фаолияти тўғри йўлга қўйилмаганлиги катта муаммоларни келтириб чиқаряпти. Туман аҳолиси Чирчиқ дарёсини аллақачон "улкан чиқиндихона"га айлантириб олган. Ҳаттоки, айримлар туман чиқиндихонаси қаерда эканини ҳам билмайдилар.

Марказий чиқиндихона анча олисда бўлгач, жойларда кўчма чиқиндихоналар ва контейнерлар ўрнатилиши керак. Лекин, ҳозир уларни учратиш амримаҳол. Бир сўз билан айтганда, жойлардаги маҳаллий мутасаддилар чиқинди муаммосига панжа ортидан қарашдан ҳеч зерикишмаяпти.

**– Жойларда чиқиндилар муаммосига масъуллар борми ва бугунги кунда улар нима билан банд?**

– Жойларда чиқиндилар муаммоси билан шуғулланиш шаҳар ва туман ободонлаштириш бўлимлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг вазифасига киради. Лекин, афсуски уларнинг фаолияти ҳам хато-камчиликлардан холи эмас. Энг аввало, транспорт воситаларининг етишмаслиги чиқиндиларни нафақат вақтида, балки умуман олиб чиқиб кетилмаслигига сабаб бўлаяпти. Айрим жойларда фуқаролар чиқиндини қаерга ташлаш кераклиги, уни ким ва қачон ташиб кетиши, бунинг учун қанча ҳақ тўланиши ҳақида умуман билишмайди.

Чиқинди учун тўловлар тўпланиши ташкил этилмаётгани катта муаммо бўлиб турибди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, тўловлар ҳар ойда 1 миллиард 250 миллион сўмни ташкил этади. Бу йиғилган маблағ чиқиндилар бўйича масъул корхоналарнинг иш ҳақи ва транспорт харажатларидан ташқари чиқиндихоналарни таъмирлаш, зарур техникалар билан таъминлашга сарфланиши керак. Лекин амалда бундай бўлмаяпти. Тўловлар вақтида ва тўлиқ йиғилмаяпти. Айрим жойларда тўловлар учун квитанция берилмайди. Тўловни қабул қилаётганларнинг қўлида асосли ҳужжатнинг ўзи бўлмайди.

Бундан ташқари, жойлардаги масъул ташкилотлар ҳар йили махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқаяпмиз, оғишмай амалда қўллаяпмиз, дея жар солишади. Лекин бу чора-тадбирлар чиқинди муаммосини ҳал этишда ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмаганидан кейин уларнинг кимга кераги бор, ахир? Юқорига маълумот бериш ёки қоғозбозлик учун ишлаш эмас, балки чиқинди муаммосини амалда ҳал этиш вақти келди.

**– Бу муаммони ҳал этиш учун сиз фаолият юритаётган инспекция амалда нималар қилаяпти?**

– Муаммо қанчалик илдиз отиб кетаётганлигига қарамай, инспекциямиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили режали текширишлардан ташқари вилоят ИИБ, ветеринария, ДСЭНМ, божхона бўлимлари билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш жараёнида Зангиота ва Оҳангарон туманларидаги чиқиндихоналарни тартибга келтириш бўйича мониторинг ўтказилди. Текширув жараёнида айбдор шахслар ва чиқиндихона раҳбарларига жарималар солинди.

Шунингдек, вилоят ҳудудидаги 20 та бозор маъмурияти билан табиатни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди.

Шаҳар ва туман ҳудудларида чиқиндихоналарни тартибга келтириш, жиҳозлаш, қишлоқ ва маҳаллаларда рухсат этилган махсус жойларда чиқиндихоналар ташкил этиш лозимлиги ҳақида барча шаҳар, туман ҳокимларига кўрсатма-хатлар жўнатилиб, уларни амалга ошириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Чиқиндиларни қайта ишлаш юзасидан янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Саноат ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиб, яхши самара бераётган корхоналар рағбатлантириб борилмоқда.

2005 йилдан Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос" корхонасида фосфогипс чиқиндисидан "СуперофосNS" минерал ўғити ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг натижасида шу кунгача фосфогипс чиқиндиси 600 минг тоннага камайди.

# ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР КАМАЙДИ

**«Оҳангаронцемент» очиқ ҳиссадорлик жамиятида атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор берилади. Ўтган йили шу мақсадларга 883 миллион сўм маблағ сарфланди.**

Бу маблағ ҳисобига куйдириш цехидаги айланма ўчоқлар ҳамда майдалаш цехининг цемент тегирмонларига ўрнатилган аспирация тизимлари жорий таъмирланди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ атмосфера ҳавосига ташланаётган заҳарли моддалар миқдори 484 тоннага камайди.

**Олимжон АРЗИБОЕВ,**
**Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.**

# ҲАМКОРЛИККА БЕРИЛГАН УРҒУ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси "Ўзбекистон экологик ҳаракати" нодавлат нотижорат ташкилоти вилоят филиали, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ўтказган тадбир "Минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусига бағишланди. Унда туман ва шаҳар ҳокимликларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассислари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ туман ва шаҳар бўлими раислари, "Экосан" халқаро жамғармаси, вилоят соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бошқармалари, санитария эпидемиология назорати маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

**Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари Хуршида НАЗАРОВА, Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.**

